

УДК: 631.8

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОРОЛБЎЙИ ҲУДУДИНИНГ  
ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ЎТМИШДОШ ДОН-ДУККАКЛИ  
ЭКИНЛАРДАН СЎНГ ҒЎЗАДА МАҚБУЛ ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

А.Садуллаев, ассистент ККДУ Г.Кылышбаева

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7204645>

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш (3.3) бўлимида:

-суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш;

-глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўришга алоҳида эътибор берилган.

Чунки, Мамлакатимизда йиллик ҳаво ҳароратини юқорилиги, қишлоқ хўжалиги экинларинидан юқори ҳосил олишда тупроққа ишлов беришнинг жадаллаштирилган усулларида фойдаланиш натижасида тупроқдаги табиий чиринди заҳираси тез суръатларда камаймоқда. Шунингдек, кўплаб суғориладиган майдонларида тупроқнинг мелиоратив ҳолатини бузилиши, дефляция-эрозия жараёнларини кучайиши, унинг ҳайдов ва ҳайдов остки қатламлари зичланишини ортиши, ҳар хил кимёвий воситалар билан ифлосланиши, шунингдек алмашлаб экишнинг амалиётга тўғри қўлламай, экинларнинг озиклантириш тартибларини муттасил бузилиши каби салбий ҳолатлар учраб турибди.

Бу эса тупроқдаги биологик жараёнларни камайишига ўз таъсирини кўрсатиб, экинлар ҳосилдорлигини пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, экинлардан юқори ҳосил олиш учун ҳам оралиқ, такрорий дон, дуккакли-дон ва дон берадиган бошоқли экинларни ғўза билан алмашлаб экиш, экинларнинг мақбул меъёр ва муддатларда озиклантириш, суғориш ва бошқа агротехнологик тадбирларни ўз муддатида бажарилишини талаб этади.

Чунки, Қорақалпоғистон республикаси шароитида ушбу бир неча алмашлаб экиш тизимида парвариш қилинаётган экинларда маъдан ўғитларнинг қўллаш муддатлари ва меъёрлари етарли илмий асосланмаган. Шунингдек, тупроқда кечаётган (агрокимёвий, агрофизикафий ва мелиоратив) жараёнларнинг ўзгариш йўналишини аниқлаш долзарб масалалигича қолмоқда. Айниқса, ушбу ҳудудларда кузги буғдой, маккажўхори, кунгабоқар, махсар, шоли, кунжут, соя каби асосий экинлардан кейин ушбу майдонларда экиладиган ғўзадан юқори пахта ҳосили олиш учун минерал ўғитлар қўллашнинг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади.

Чунки, тупроқда қулай муҳитни юзага келтириш учун экиладиган экинлар тури, уларни ўзаро алмашлаб экиш тизими ва парвариш қилиш агротехнологиясини қандай даражада олиб борилиши, тупроқни нафақат агрофизик хоссаларига балки унинг агрокимёвий ва мелиоратив хоссаларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун ҳам биз Қорақалпоғистон республикасининг Оролбўйи ҳудудида тупроқ унумдорлигини ошириш мақсидида экилган ўтмишдош дон-дуккакли экинлардан сўнг мақбул ўғит меъёрларининг пахта ҳосилига таъсирини илмий-амалий асослашни асосий мақсад қилиб қўйдик.

Қишлоқ хўжалигининг ушбу йўналишида ҳозирги кунгача ғалла, дуккакли дон экинларининг майдонлари кўпайиши натижасида профессор Б.Халиков (2006) ва А.Иминов (2006) лар томонидан алмашлаб экишнинг янги тизимлари билан боғлиқ илмий изланишлар йўлга қўйилиб, илмий асосланган 2:1; 1:1:1; 1:1 каби тизимлар ишлаб чиқилиб, республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитларига мос тавсиялар берилган. Лекин, шу ўринда алмашлаб экишнинг янги тизимлари асосида Республиканинг шимолий минтақаси ҳисобланган Қорақалпоғистон республикаси шароитида ҳам Е.Санибеков (1993), У.Исмаилов (2004), Н.Ибрагимов ва Л.Мирзаевлар (2016) томонидан алмашлаб экишнинг ушбу тизимлари билан боғлиқ дастлабки натижалар турли омиллар асосида ишлаб чиқилган.

Республикасининг Оролбўйи суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимлари орқали етиштириладиган асосий кузги буғдой, кунгабоқар, кунжут ва соя экинларидан сўнг кейинги Қорақалпоғистон йил экиладиган ғўза экинининг мақбул ўғитлаш тизимига бағишланган тажрибалар амалга оширилмоқда.

Бизларнинг тадқиқотларимиз объекти сифатида Хужайли тумани С.Хасанова фермер хўжалиги майдонлари танлаб олинган.

Ушбу майдонга шу йилнинг 20 май куни соянинг “Орзу”, кунжутнинг “Қаршиға” ва Кунгабоқарнинг “КК-60” навлари экилди. Экишдан олдин тупроқнинг агрофизикавий ва мелиоратив ҳолатини таҳлил қилиш учун тупроқнинг 0-30, 30-50, 50-70 ва 70-100 см қатламларидан намуналар олинди.

Бу тупроқ намуналари таркибида чиринди органик карбон (SOC), ялпи азот, умумий фосфор, калий, нитратли ва аммонийли азот, ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий, шунингдек тупроқнинг шўрланиш даражасини аниқланади. Маҳсус ускуна ёрдамида тупроқнинг электр ўтказувчанлиги (ES), сувда эрийдиган тузлар миқдори (TDS) ва pH аниқланади.

Тадқиқот услублари асосан дала тажрибаси ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Тажриба ўтказиш, фенологик кузатув, тупроқ ва ўсимлик намуналари олиш «Методика полевых опытов» (Доспехов, 1985), «Методика Государственного сорта испытания сельскохозяйственных культур» (1964) ва «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) қўлланмаларига асосан ўтказилмоқда.

Олинган дастлабки таҳлилларга кўра, тажриба далалари тупроқлари шўрланиш типи бўйича ўртача шўрланган тупроқлар типига киради. Тупроқнинг хайдалма (0-30 см) қатламидаги умумий фосфор миқдори 52,4 - 71,2 мг/кг, алмашинувчи калий -147-160 мг/кг ни ташкил этади.

Ҳозирда ушбу тадқиқот ишлари давом этилмоқда, 2019 йили ушбу майдонга ғўза экини экилиб, ўтмишдош экинларнинг таъсири илмий асосда аниқланади.

Тадқиқотлар натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида алмашлаб экиш тизимлари орқали етиштириладиган асосий кузги буғдой, кунгабоқар, кунжут ва соя экинларидан сўнг кейинги йил экиладиган ғўза экинининг мақбул ўғитлаш тизими аниқланади ва ишлаб чиқаришга тегишли тавсиялар берилади.

#### REFERENCES

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент, 2007. – 147 б.
3. Ibragimov N.M., Mirzaev L.A. Effect of mineral fertilizer rates on yield components and grain yield of irrigated winter wheat in south Karakalpakstan. International scientific journal “The Way of Science”. #10 (32), 2016. P. 36-40.

4. Иминов А.А. Экиш меъёрлари ва такрорий экинларни кузги буғдойнинг ўсиши, ривожланиши ва дон ҳосилдорлигига таъсири.: Қ.-х фан. номз. ... дисс. автореферати. – Тошкент: ЎзПТИ, 2006.
5. Исмаилов У.Е. Научные основы повышения плодородия почвы. – Нукус: Билим, 2004. – 180 с.
6. Методы агрохимических анализов почв и растений Средней Азии. Издание 5-е, Ташкент, 1977.
7. Саныбеков Е.П. Интенсификация кормовых полей хлопковых севооборотов на луговых засоленных почвах Каракалпакии. Автореферат диссертации канд. с.-х.наук: 06.01.01. Ташкент, 1993.